ФАҚИҲ АБУ БАКР ҲАДДОД ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF RESEARCH WORKS CONDUCTED ON THE LIFE AND SCIENTIFIC LEGACY OF FAQIH ABU BAKR HADDAD

АНАЛИЗ ИССЛЕДОВАНИЙ ЖИЗНИ И НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ ФАКИХА АБУ БАКРА ХАДДАДА

Abdullo M. QOSIM,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Doctoral Student
Specialist of the Fatwa Center of the
Muslim Board of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: abdulloh_qosim@inbox.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2024/3/8

Аннотация. *Имом Абу Бакр Ҳаддод Забидий хусусан фиққда, қолаверса, тафсир илмида ҳам кўплаб китобларни ёзишга муваффақ бўлган. Олим ёзган китоблари ҳаётлик давридан то бугунги кунга қадар илм аҳллари томонидан қабул бўлиб, улар орасида кенг ёйилган. Дунё кутубхоналарида у зотга тегишли қўлёзма манбалар кўп бўлиб, хусусан, «Мухтасар ал-Қудурий»нинг икки шарҳи – «ас-Сирож ал-ваҳҳож» ва «ал-Жавҳара ан-наййира» китобларининг қўлёзма нусхаларини топиш мумкин.*

Абу Бакр Ҳаддод ҳанафий мазҳабидаги мўътабар матн китобларидан бири бўлмиш «Мухтасар ал-Қудурий» китобини шарҳлаган фақиҳлардан бири ҳисобланади. У киши аввалига «ас-Сирож ал-ваҳҳож» номли китоб ёзган. Бунда у юқорида айтилган китобни кенг тарзда шарҳлаган. Сўнгра, ундаги масалаларни қисқартириб «ал-Жавҳара ан-наййира» номли китоб таълиф қилган. Ушбу иккала асардан ҳанафий мазҳаби манбаларида кўплаб иқтибослар келтирилади.

Олимнинг тўлиқ исми – Абу Бакр ибн Али ибн Муҳаммад ибн Довуд ибн шайх Али ибн Абдурраҳмон Ҳаддод Аббодий Забидий Ҳанафий. «Аббодий» Аббодийя қишлоғига берилган нисбат бўлиб, олим аввалига шу шаҳарда туғилиб ўсиб, сўнг Ямандаги машҳур шаҳарлардан бири бўлган Забид шаҳрига кўчиб ўтган. У ерда қарор топиб, вафот этган. Шу боисдан ҳам у кишига нисбатан Аббодий Забидий деб айтилади. «Ҳаддод» дегани эса «темирчи» деган маънони билдиради. У зот ушбу ном билан машҳур бўлиб, «Ҳаддод», «Ҳаддодий» номини олган. Имом Абу Бакр Ҳаддод 720 ҳижрий йил ражаб ойида Аббодийя қишлоғида туғилган. Бу ҳақида Қосим ибн Қутлубғо «Тожут тарожум» китобида келтириб ўтган.

«Табақотул хавос» китобида келишича, Абу Бакр Ҳаддод зот ёзган асарлари тахминан 20 жилдга тенг келади. Имом Шаржий «Табақотул хавос» китобида шундай деган: «У зотнинг имом Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу мазҳабида битган буюк китоблари бор эди. Унга ўхшаш китобни ислом аввалидан то ҳозирги кунимизга қадар Ямандаги ҳанафий уламолар ёзмаган».

Ушбу мақолада фақиҳ Абу Бакр Ҳаддод ҳаёти ва илмий мероси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *фиқҳ, фақиҳ, ижтиҳод, суннат, ҳадис, адабий меросlар, тарихчи, Тафсиру-л-Ҳаддод, Мухтасар ал-Қудурий, ас-Сирож ал-ваҳҳож, ал-Жавҳара ан-наййира.*

Abstract. *Imam Abu Bakr Haddad Zabidi managed to write many great, wonderful, valuable and high-level books, especially on fiqh, as well as on the science of tafsir. From his lifetime to the present day his books were accepted by scholars and widely distributed among them. In the libraries of the world there are many manuscript sources related to him, in particular, one can find manuscript copies of two commentaries of "Mukhtasar al-Quduri" - "as-Siraj al-wahhoj" and "al-Jawhara an-nayyira".*

Abu Bakr Haddad is one of the fiqh scholars who commented on the book Mukhtasar al-Quduri, one of the most respected textbooks of the Hanafi school. He first wrote a book called "Al-Siraj al-Wahhaj". At the same time, he commented in detail on the book mentioned above. He then shortened the issues contained in it and published a book called "al-Jawhara al-Nayyirah". Both of these works are widely cited in Hanafi sources.

The full name of the scientist is Abu Bakr ibn Ali ibn Muhammad ibn Dawud ibn Sheikh Ali ibn Abdurrahman Haddad Abbadi Zabidi Hanafi. "Abbadi" refers to the village of Abbadiyya, where the scholar was born and raised, and then moved to Zabid, one of the famous cities in Yemen. He settled there and died. That's why he is called Abbadi Zabidi. "Haddad" means "blacksmith". He became famous by this name and received the names "Haddad", "Haddadi". Imam Abu Bakr Haddad was born in the month of Rajab in 720 Hijri in the village of Abbadiyya. Qasim ibn Qutlubgho mentioned about it in his book "Tajut tarojum".

According to the book "Tabaqatul Khawas", the works written by Abu Bakr Haddad are about 20 volumes. Imam Sharji said in his book "Tabaqatul Khawas": "He had great books that he finished in the madhhab of Imam Abu Hanifa, may God bless him and grant him peace." A book similar to it has not been written by the Hanafi scholars in Yemen from the beginning of Islam until now."

In this article, the researches carried out on the life and scientific heritage of the jurist Abu Bakr Haddad have been researched and analyzed.

Keywords: *jurisprudence (fiqh), jurist, ijtihad, sunnah, hadith, literary heritage, historian, Tafsir al-Haddad, Mukhtasar al-Kuduri, al-Siroj al-wahhoj, al-Jawhara an Nayira.*

Аннотация. *Имам Абу Бакр Хаддад Забиди сумел написать много великих, замечательных, ценных трудов высокого уровня, особенно по фикху, а также по науке тафсир. Книги, написанные ученым, были приняты людьми науки еще при его жизни и широко распространены в научной среде. В мировых библиотеках имеется множество рукописных источников, связанных с ними, в частности, можно найти рукописные копии двух комментариев «Мухтасара ал-Кудури» — «ас-Сираж ал-ваххадж» и «ал-Джавхара ан-найиира».*

Абу Бакр Хаддад — один из правоведов, комментировавших книгу «Мухтасар ал-Кудури», один из самых уважаемых учебников ханафитской школы. Впервые он написал книгу под названием «ас-Сираж ал-ваххадж». При этом он подробно прокомментировал упомянутую книгу. Затем он сократил содержащиеся в ней научные вопросы и опубликовал книгу под названием «ал-Джавхара ан-найира». Обе эти работы широко цитируются в ханафитских источниках.

Полное имя ученого — Абу Бакр ибн Али ибн Мухаммад ибн Дауд ибн Шейх Али ибн Абдуррахман Хаддад Аббади Забиди Ханафи. «Аббади» — отсылка к деревне Аббадия, где учёный сначала родился и вырос, а затем переехал в Забид, один из знаменитых городов Йемена. Он поселился там и умер. Вот почему его зовут Аббади Забиди. «Хаддад» означает «кузнец». Под этим именем он прославился и получил имена «Хаддад», «Хаддади». Имам Абу Бакр Хаддад родился в месяце раджаб в 720 году хиджры в селении Аббадия. Касим ибн Кутлубго упомянул об этом в книге «Тахут тароджум».

Согласно книге «Табакатул Хавас», произведения Абу Бакра Хаддада составляют около 20 томов. Имам Шарджи в своей книге «Табакатул Хавас» сказал: «У него были великие книги, которые он закончил в мазхабе имама Абу Ханифы, да благословит его Бог и дарует ему мир. Подобная книга не была написана ханафитскими учёными в Йемене с момента возникновения ислама и до сих пор».

Ключевые слова: *юриспруденция, правовед, иджтихад, сунна, хадисы, литературное наследие, историк, Тафсиру-л-Хаддад, Мухтасар ал-Кудури, ас-Сиродж ал-вахходж, ал-Джавхара ан-Найира.*

КИРИШ

Фақиҳ Абу Бакр Ҳаддод Забидий ҳанафий мазҳабидаги мўътабар матн китобларидан бири - «Мухтасар ал-Қудурий» китобини шарҳлаган фақиҳлардан бири ҳисобланади. У киши аввалига «ас-Сирож ал-ваҳҳож» номли китоб ёзган. Бунда у юқорида айтилган китобни кенг тарзда шарҳлаган. Сўнгра ундаги масалаларни қисқартириб «ал-Жавҳара ан-найиира» номли китоб таълиф қилган. Ушбу иккала асардан ҳанафий мазҳаби манбаларида кўплаб иқтибослар келтирилади.

Абу Бакр Ҳаддоднинг таржимаи ҳоли тарихчи аллома Муваффиқуддин Али ибн Ҳасан Хазражий Забидий (ваф. 812 ҳ.й.)нинг (Абдулфаттоҳ Ойиш, 2002:253-254) «ал-Укуд ал-луълуия фи тарих ад-давлат ар-расулия», «Тироз аълом аз-заман фи табақот аъён ал-Яман» (Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳабаший, 1781), аллома Қосим ибн Қутлубуғо (1399-1474)нинг «Тож ат-тарожум» (Муҳаммад Хайр Рамазон Юсуф, 1992:141), аллома Зайнуддин Аҳмад ибн Аҳмад ибн Абдуллатиф Шаржий Забидий (812-893)нинг «Табақот ал-хавос аҳл ас-сидқ ва-л-ихлос» (Забидий, 1986:212), Абдуллоҳ ибн Али ибн Нўъмон Замадийнинг (ваф. 1068 ҳ.й.) «ал-Ақиқ ал-ямоний фи вафоёт ва ҳаводис ал-Михлаф ас-Сулаймоний», Муҳаммад ибн Али Шавконийнинг (ваф. 1250 ҳ.й.) «ал-Жавҳара ан-найиира би-маҳосин ман баъд ал-қарн ас-собе», Ҳожи Халифанинг (ваф. 1078 ҳ.й.) «Кашф аз-зунун», Исмоил Пошо Бағдодийнинг (ваф. 1339 ҳ.й.) «Ҳадия ал-орифин» (Маориф вакиллиги. Туркия. 2-жилд:235), Хайруддин Зириклий (ваф. 1396 ҳ.й.)нинг «ал-Аълом» (Хайруддин Зириклий:2002:67), Умар Ризо Каҳҳола (1905-1988) нинг «Мўъжам ал-муаллифин» каби китобларда, «Мухтасар ал-Қудурий»нинг «ас-Сирож ал-ваҳҳож» шарҳи нусхаси ғилофида келтирилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Олимнинг тўлиқ исми – Абу Бакр ибн Али ибн Муҳаммад ибн Довуд ибн шайх Али ибн Абдурраҳмон Ҳаддод Аббодий Забидий Ҳанафий.

Соид Бектош алломанинг насабини борасида шундай дейди: «Олимнинг таржимаи ҳолини ўрганган кўпчилик тадқиқотчилар тўғридан-тўғри у кишининг бобоси Муҳаммадга нисбат берадилар. Ундан кейинги боболарининг исмларини эса, Маккаи мукаррамада жойлашган «Мавлид» кутубхонасидаги «ас-Сирож ал-ваҳҳож» китоби нусхаси ғилофига ёзилган маълумотлардан топдим» (Абу Бакр ибн Али Ҳаддод, 2015:10).

Аббодий Ливандаги Аббодийя қишлоғига берилган нисбат бўлиб, имом аввалига шу шаҳарда туғилиб ўсиб, сўнг Ямандаги машҳур шаҳарлардан бири бўлган Забид шаҳрига кўчиб ўтган ва умрининг охирига қадар ўша ерда яшаган. Шу боисдан ҳам у зотга нисбатан Аббодий Забидий деб айтилади.

Ҳаддод эса «темирчи», деган маънони билдиради. Олим ушбу ном билан машҳур бўлиб, «Ҳаддод», «Ҳаддодий» номини олганлар.

Қосим ибн Қутлубуғо «Тож ат-тарожум» китобида имом Абу Бакр Ҳаддод 1320 йил ражаб ойида Аббодийя қишлоғида туғилганини келтириб

ўтган (Муҳаммад Хайр Рамазон Юсуф, 1992:141).

Абу Бакр Ҳаддод аввалига отаси шайх, фақиҳ Али ибн Муҳаммад Ҳаддоднинг қўлида она қишлоғига фиқҳни ўрганади. Сўнгра, Забид қишлоғида кўчиб, у ердаги кўплаб замондош шайхлардан турли илмларни ўрганган. Устозлари орасида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

Аллома, фақиҳ, имом Абул Ҳасан Али ибн Нуҳ Убавий (ваф. 751 ҳ.й.).

У киши машҳур саҳоба Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳунинг авлодларидан бўлгани боис «Убавий» нисбатини олган. Бу зот илмда етук бўлиш билан бир қаторда ўта ибодатли, зоҳид, солиҳ инсон бўлгани қайд этилади. Абул Ҳасан ҳанафий фақиҳи, усул олими бўлиб, асли Судан диёридан. Яманга кўчиб ўтиб, Забид шаҳрига келган ва у ерда мударрислик қилган. У киши Имом Марғинонийнинг «Ҳидоя» китобларини ёд олган эди (Висом Абдулмунъим Сарҳон. 2020:8).

Устозларидан аллома, муҳаддис, фақиҳ Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Умар Алавий (ваф. 1351 й.).

Кўплаб илмларда моҳир бўлган. Хусусан, фиқҳ ва ҳадисда етук алломалардан саналади. Ҳадис ва унинг илмларини билишда олий даражаларга эришган. Ундан илм ўрганиш учун дунёнинг кўплаб ерларидан толиби илмлар келишган (Висом Абдулмунъим Сарҳон, 2020:8).

Имом, фақиҳ Сирожуддин Абу Бакр ибн Али ибн Мусо Ҳомилий (ваф. 1368 й.) эса фақиҳ, муҳаққиқ, мудаққиқ, фиқҳ, наҳв, луғат ва шеърга моҳир кишилардан бўлган. Отаси ва фақиҳ Али ибн Нуҳ Убавийда фиқҳни ўрганган (Забидий, 1854-1855).

Бу зотнинг ҳам «Мухтасар ал-Қудурий» китобига ёзган шарҳи бор. «Манзумат ал-ҳомилийя» номи билан машҳур бўлган «Дурр ал-муҳтадий ва зухр ал-муқтадий» китоби шу зотга тегишли бўлиб, жуда машҳур китоблардан ҳисобланади. Ушбу китобни олимнинг шогирди Абу Бакр Ҳаддод шарҳлаган ва уни «Сирожа-з-залом ва бадр ат-тамом шарҳ ал-манзумат ал-ҳомилийя» деб номлаган.

МУҲОКАМА

Имом Ҳаддод Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Қосим Қурбатий, Шиҳоб Аҳмад ибн Малиҳ Наҳавийлардан наҳв илмини ўрганган.

Яна бир устози Муҳаммад ибн Мусо ибн Муҳаммад Даволий Сайрафий (ваф. 1388).

Забиднинг кўзга кўринган олимларидан бири бўлган. Фиқҳ, наҳв, луғат, ҳадис, тафсир ва мантиқ илмларида етук бўлган. Забид шаҳрида вафот этган. У кишининг «ар-Радд ала-н-нуҳот», «ас-Сирр ал-малҳуз фи ҳақиқат ал-лавҳ ал-маҳфуз» каби китоблари мавжуд (Хайруддин Зириклий, 2002:118).

Забидий Абул Ҳасан Али ибн Сулаймон Мусаффодан адаб илмини таҳсил олган (Муҳаммад Хайр Рамазон Юсуф, 1992:141).

Шайх Муваффиқуддин «ал-Жавҳара ан-найийра» китобида жуда кўп маротаба зикр қилиб, «Шайхимиз Муваффиқуддин раҳимаҳуллоҳ айтдилар» деб келтирган.

Имом Ҳаддод Забидий бундан ташқари яна кўплаб устозлардан таҳсил олган.

Имом Абу Бакр Ҳаддод Забидий дарс бериш ва илм тарқатишда муваффақият қозонган олимлардан бўлган. Кўплаб шогирдлар етиштирган. У зотнинг қўлида Забиддаги ва бошқа юртлардан келган жуда кўплаб талабалар таҳсил олишган. «Табақот ал-хавос» китоби муаллифи у киши ҳақида шундай деган: «Талабалар у зотдан кўплаб фойдалар олишган» (Абдуллатиф Шаржий Забидий, 1986:393).

Абу Бакр Ҳаддоднинг машҳур шогирдлари қаторида ўғли фақиҳ Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Али Ҳаддод ҳам бўлиб, у олим ва солиҳ зотлардан бўлган. Забид шаҳри ҳавоси у кишининг саломатлигига тўғри келмагач, отасининг қишлоғи Аббодияга кўчиб ўтган ва у ерда вафотига қадар истиқомат қилган. У кишининг зурриётлари оталарининг йўлидан бориб, Забид қишлоғи билан Аббодийя қишлоғи орасида ҳаёт кечиришган. Унинг ҳам кўплаб фарзандлари бўлиб, улар ҳам оталари сингари Забид билан Аббодийя ўртасида кўп сафар қилишган. Имом Ҳаддоднинг яна бир шогирди фақиҳ, олим, ориф Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Шавъон (ваф. 1419 й) ўз даврида ҳанафий фақиҳлари етукларидан бўлган ва «ат-Тафсир ал-Кашшоф»даги мушкулотларни ечиши билан олимлар орасида танилган. Фиқҳ, усул, тафсир, қироат каби фанлар олими бўлиб етишиб, бу фанларнинг барчасидан дарс берган (Висом Абдулмунъим Сарҳон, 2020:9).

Имом Ҳаддоднинг бундан бошқа тарожим китобларида зикр қилинмаган яна кўплаб шогирдлари бўлган.

Хазражий «Уқуд ал-луълуийя фи тарих ад-давлат ар-расулия» номли китобида шундай дейди: «Абу Бакр Ҳаддод фақиҳ, ориф, буюк, турли фанларда етук, тақводор, солиҳ зот эди» (Ҳасан Хазражий Забидий, 1911:296).

Аллома, шайх Аҳмад ибн Аҳмад ибн Абдуллатиф Шаржий Забидий «Табақот ал-хавос» номли китобида аҳли сидқ ва аҳли ихлослар таржимаи ҳолини зикр қилиб, улар орасида Абу

Бакр Ҳаддодни келтириб шундай деган: «У зот фақиҳ, буюк олим, обид, тақводор, зоҳид, илм ва амалда тиришқоқ, тавозели, еб-ичиш ва кийиниши оз инсон эди» (Забидий, 1986:391).

У киши яна шундай деган: «У зотнинг дарс ўтиши баракали, шогирдлари кўп, ўзи эса уларга сабрли эди. Баъзи устозларим хабар беришича, фақиҳ Абу Бакр Ҳаддод бир кеча кундузда ўн бештача дарс ўтар, машаққат чекмас, чарчамасди».

Шайх Аҳмад Забидий Имом Ҳаддоднинг ёзган китоблари ҳақида: «Бу китобларни ибодат, рўза, қиёмуллайл, тадрис ва бошқа ишлар билан машғул бўлиш билан бир қаторда ёзган. У қўл меҳнатидан кун кўрарди. Тафсир, ҳадис ва бошқа китоблардан нусха кўчириб сотарди. Агар, бир китобни кўчириб ниҳоясига етса, у зотнинг ёзуви хунуклигига қарамасдан у ила баракаланиш учун одамлар у китобни қиммат нархга бўлса ҳам сотиб олишга шошилишарди. Китоблар у зотнинг қўлидан бошқа китобларни солиштиришга лойиқ "мусаҳҳаҳ" (хатолари тузатилган) ҳолда чиқарди. Гоҳида у зот ҳақ эвазига нусха ёзиб берардилар", – деган.

У зотнинг тақволари ҳақида ҳикоя қилинишича, баъзи амирлар у зотга ичига минг динор солинган ҳамённи садақа қилиб юборишибди. У зот: «Бунга менинг ҳожатим йўқ, буни султонга қайтариб олиб бор, мусулмонларнинг манфаатлари йўлида ишлатсин», дебди. Олиб келган қул эса: «Саййидим, султонга қандай қилиб қайтарамиз?» деса, унга: «У ҳолда ўзинг олгин-да, истаган йўлингда ишлат», дебди. Қул қаттиқ туриб олгач, у зот уйга кириб эшикни қулфлаб олган экан. Қул айтади: «У зотнинг ичкарига кириб кета туриб, مِتُنأَ لْبَ نَوحُرَفْتَ مْكُتِيَدِهَبِ «Балки, сизлар совғаларингиз билан хурсанд бўларсизлар» («Намл» сураси 36-оят) оятини ўқиганини эшитдим.

Олимнинг ҳаётида бунга ўхшаш воқеалар кўплаб содир бўлган. Аллома ҳамсуҳбатларига, шогирдларига кўп насиҳат қилувчи киши эди. У зотнинг ҳузурида одамлар дунё ишларини, одамлар ҳаётини, уларга тегишли нарсаларни зикр қилишга ботина олмас эдилар» (Абдуллатиф Шаржий Забидий, 1986:392).

Аллома Қосим ибн Қутлубуғо у зотни васфлаб шундай деган: «У киши имом, фақиҳ, обид, зоҳид зот эди» (Қосим ибн Қутлубуғо, 1992:141).

Аллома Шавконий «ал-Бадр ат-толе» китобида шундай деган: «У зот бир қанча илмларда етук бўлган. Номи машҳур, довруғи таралган эди. Зоҳид, тақводор, иффатли, ибодатгўй зот эди» (Абдуллатиф Шаржий Забидий, 1986:166).

Абу Бакр Ҳаддоднинг «ас-Сирож ал-ваҳҳож» китоби қўлёзма нусхаси ғилофида ҳам қисқача таржимаи ҳоли келтириб ўтилган ва унда «У зот фақиҳ, боамал олим, обид зот эди» дейилган (Абу Бакр ибн Али Ҳаддод, 2015:19).

У зотга нафақат ибодатгўй олим сифатида, балки ҳанафий мазҳабида тутган ўрни ҳақида ҳам кўплаб васфлар, мақтовлар келтириб ўтилади.

Хусусан, «ал-Уқуд ал-луълуия» китобида шундай дейилади: «У зот ўз замонида Забид шаҳридаги Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ издошлари орасида энг катталаридан бўлган» (Ҳасан Хазражий Забидий, 1911:296).

«Табақот ал-хавос» китобида шундай дейилади: «У зотнинг Имом Абу Ҳанифа разияллоҳу анҳу мазҳабида битган катта китоблари бор эди. Бунга ўхшаш китобларни ислом аввалидан то ҳозирги кунимизга қадар Ямандаги ҳанафий уламолар ёзишмаган» (Забидий, 1986:392).

Имом Абу Бакр Ҳаддод Забидий хусусан фиқҳда, қолаверса тафсир илмида ҳам кўплаб даражаси баланд китобларни ёзишга муваффақ бўлган.

У зот ёзган китоблари ҳаётлик давридан то бугунги кунга қадар илм аҳллари томонидан қабул бўлиб, улар орасида кенг ёйилган.

Дунё кутубхоналаридан у зотга тегишли жуда ҳам кўп қўлёзма манбалар мавжуд бўлиб, «Мухтасар ал-Қудурий» нинг икки шарҳи – «ас-Сирож ал-ваҳҳож» ва «ал-Жавҳара ан-найийра» китобларининг кўплаб қўлёзма нусхаларини топиш мумкин бўлади.

«ал-Жавҳара ан-найийра» китоби илк бора ўтган асрда 1884 йилда Туркияда Усмонийлар салтанати даврида нашр этилган, сўнг яна бир неча бора чоп этилган. Бу китобни талабалар хурсандчилик билан кутиб олганлар ва манфаат олишган. Шунингдек, у зотнинг тафсир китоблари ҳам аҳли илмлар орасида машҳур бўлган ва кўплаб қўлёзма нусхалари мавжуд.

«Табақот ал-хавос» китобида келишича, у зот ёзган асарлари тахминан 20 мужалладга тенг келади (Дор ал-ямания. 1986:392).

НАТИЖА

Ўрганишлар натижасида Абу Бакр Ҳаддод қаламига мансуб 6та китоб мавжудлиги, уларнинг ҳар бири бир нечта мужалладдан иборат экани аниқланди:

Тафсир ал-Ҳаддод. Китобнинг тўлиқ номи «Кашф ат-танзил фи таҳқиқ ал-мабоҳис ва-т-таъвил» ҳисобланади.

Китоб ҳақида «Табақот ал-хавос» китоби муаллифи «Бу китоб фойдали китоб бўлиб, ҳажми

Воситийнинг тафсиричалик ҳажмда» (Забидий, 1986:392) деган.

Шавконий «ал-Бадр ат-толе» китобида «Одамлар орасида «Тафсиру-л-Ҳаддод» номи билан машҳур бўлган фойдали тафсирдир» (Забидий, 1986:392) деб айтган. Китобнинг ҳажми ҳақида Ҳожи Халифа «Кашф аз-зунун» китобида «У икки катта мужалладдан иборат» деб айтиб ўтган. Мазкур китобнинг биринчи замонавий нашри 2003 йилда Байрутдаги «Дор ал-мадор ал-исломий» нашриётида Ливия жамоҳирияси Злитен шаҳри Асмария ислом билимлари университети тафсир фани ўқитувчиси, доктор Муҳаммад Иброҳим Яҳё таҳқиқи билан 7 мужалладда нашр этилди. Бу иш Тунис, Туркия ва Франциядаги қўлёзма нусхалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Муҳаққиқ бу китобда муаллифнинг таржимаи ҳолини ҳам, китоб ҳақидаги маълумотларни ҳам келтирмаган. Фақатгина 2002 йилда Байрутдаги «Дор ал-мадор ал-исломий» нашриётида 500 саҳифадан иборат «Қуръон тафсирига кириш (Ҳаддод мисолида)» номли ўқув қўлланма чоп этганини зикр қилган.

Ушбу тафсир бўйича олиб борилган илмий изланишлардан яна бири яманлик олим Рафъат Ҳусайн Абура 2006 йилда «Шайх Абу Бакр Ҳаддод ва унинг тафсирдаги услуби» номли докторлик ишини ёқлаган.

Шунингдек, 2005 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Ўн тўққизинчи май университетида профессор, доктор Исҳак Язичи илмий раҳбарлигида Явуз Кочак 151 саҳифадан иборат «Абу Бакр Ҳаддоднинг тафсирда қўллаган услублари» мавзусидаги магистрлик мавзусини ёқлаган.

Тадқиқотчи Ўзмен Фериҳан «Сакаря университети илоҳиёт факультети» журналида «Абу Бакр Ҳаддод ва унинг тафсир манбалари» мақоласини чоп этган.

Шунингдек, мазкур тадқиқотчи «Усул: ислом тадқиқотлари» журналида «Абу Бакр Ҳаддоднинг тафсир услуби» мақоласини эълон қилган.

“ас-Сирож ал-ваҳҳож”. Муаллиф ушбу китоби муқаддимасида уни шундай номлаган. Бироқ «Кашф аз-зунун» китоби муаллифи бу китобни «ас-Сирож ал-ваҳҳож ал-муваззиҳ ли кулли толибин муҳтож», деб номлаган.

Бу китоб «Мухтасар ал-Қудурий» китобининг шарҳи ҳисобланади. Китобнинг ҳажми борасида аллома Қосим ибн Қутлубуғо унинг 8 мужалладдан иборат эканини (Муҳаммад Хайр Рамазон Юсуф. 1992:142), бу китобнинг мухтасари ҳисобланмиш «ал-Жавҳара ан-найиира» китоби эса, 4 мужалладдан иборат эканини айтиб ўтган.

Бироқ «Кашф аз-зунун» китобида унинг 3 мужалладдан иборат эканини айтган.

Бу каби фикрлар хилма-хиллигига сабаб улар ўзлари кўрган нусхалардан келиб чиқиб айтганларидир.

Бу китобнинг дунё кутубхоналарида кўплаб нусхалари бор. Азҳарийя нусхасининг ҳажми 3871 варақни ташкил этади. Мадина шаҳридаги Маҳмудия кутубхонасида 1036- ва 1286-рақам остида нусхалари сақланади (Оли байт муассасаси, 1420:634).

Китоб муқаддимасида Имом Ҳаддод китоб ҳақида шундай деган: «Оламлар парвардигори Аллоҳга ҳамд, пайғамбарлар саййиди саййидимиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга, Аллоҳнинг барча пайғамбарлари ва жами малоикаларга салот ва салом бўлсин. Аллоҳ саҳобалардан ва тобеинлардан рози бўлсин.

Бу китоб «Мухтасар ал-Қудурий»нинг шарҳи бўлиб, уни мушкул жойларини шарҳлаб, қийин ўринларини баён қилган ҳолда ёздим. Китобни ёзишда озлик билан кўплик ўртасини тутдим, мухтасар бўлиб қолишдан ҳам, чўзилиб кетишдан ҳам сақландим. Китобни қисқа лафзлар, фойдали маънолар, осон иборалар билан жамладим, уларни ҳар бир толиби илмга баён қилдим ва уни «ас-Сирож ал-ваҳҳож», деб номладим. Бу борада Раҳмон-Раҳим бўлган зотдан ёрдам сўрадим. Тавфиқ фақат Аллоҳдандир. Унга таваккал қилдим. Зеро, У буюк арш Раббидир. Эй пок зот, биз фақат Сен билдирган нарсанигина биламиз. Сен Алим, Ҳаким зотсан».

Асарт катта шарҳ китоби бўлиб, унда ҳукмларнинг далиллари ҳам зикр қилинган. Уларга доир муноқашалар у қадар чўзиб юборилмаган тарзда баён қилинган. Масалаларга доир мисоллар кўплаб келтирилган, улардаги чигалликлар ечиб берилган. Китобхон уни ўқиганда масалалар унинг зеҳнида гавдаланадиган даражада ёзилган. Унда «Мухтасар ал-Қудурий»га қараганда анча кўп масалалар баён қилинган. Шунингдек, китобда тўрт мазҳаб ихтилофлари ҳам келтириб ўтилган.

«ас-Сирож ал-ваҳҳож» китобига суяниб бўлмайди» деган эътирозлар ҳам бўлган. «Кашф аз-зунун» китоби муаллифи (1631) Бираклийдан нақл қилишича, у киши «ас-Сирож ал-ваҳҳож» китобини суянилмайдиган, заиф китоблар қаторида зикр қилган. Бу фикрга аллома Лакнавий ҳам «Умда ар-риоя» китобида эргашган (Абдулҳай Лакнавий, 2005:11-12).

Бу гап аслида Биркавий номи билан танилган Муҳаммад ибн Бир Алий Румий (ваф. 1573 й.) томонидан айтилган гап бўлиб, таҳрирга ва тадқиққа муҳтождир. Чунки бу каби қисқа тарзда, айтувчиси

томонида сабаби баён қилмай ифода этилган гап билан китобга таъна етказиш холислик бўлмайди. Зотан ким китоб муаллифи имом Ҳаддоднинг таржимаи ҳолини ўрганиб чиқса, унинг фиқҳи ва фиқҳий китоблари борасида уламоларнинг мақтовларига гувоҳ бўлади.

«Ас-Сирож ал-ваҳҳож» китобига суяниш мумкинлигага далолат қиладиган нарсалардан бири – Ибн Нужайм «ал-Баҳр ар-роиқ» китобида суянган ва нақл қилган китоблар қаторида ушбу китоб ҳам ўрин олганидир. «ал-Баҳр ар-роиқ»да кўп маротаба «ас-Сирож ал-ваҳҳож» китобидан иқтибослар келтирилган. Шунингдек, Ҳаскафий «Дурр ал-мухтор»да, Ибн Обидин ва бошқалар ҳам ўз китобларида «ал-Жавҳара ан-найийра»дан нақл қилганлари сингари «ас-Сирож ал-ваҳҳож»дан ҳам нақл қилганлар.

«Китобда заиф баъзи ривоят ва сўзлар бор», деган эътирозга келадиган бўлсак, бу ҳолат китобнинг мўътамад (суяниладиган манба) ва аҳли илм орасида қабул бўлганини ман қилмайди. Биргина шунинг ўзи билан китобни суяниб бўлмайдиган китоблар сарасига қўшиб бўлмайди. Қолаверса, гоҳида кўплаб китобларда заиф ривоятлар келтириб ўтилади ва бундан мақсад – шундай ривоятларнинг борлигини билдириб қўйиш бўлади ёки бўлмаса у ривоят баъзи уламолар наздида маржуҳ, баъзилар наздида рожиҳ бўлади.

Азҳар, Даммам, Подшоҳ Файсал университетлари магистратура ва докторантура талабаларидан иборат бир гуруҳ тадқиқотчилар «ас-Сирож ал-ваҳҳож» китобини таҳқиқ қилишни амалга оширганлар. Бироқ ҳануз бу китоб шаклида чоп этилмаган (Абу Бакр ибн Али Ҳаддод, 2015:32).

ал-Жавҳарат ан-найийра. Бу китоб ҳам «Мухтасар ал-Қудурий» китобининг шарҳи бўлиб, муаллиф бунда «ас-Сирож ал-ваҳҳож» китобини мухтасар қилган (Ҳожи Халифа, 1631).

«ал-Бадр ат-толе» китобида Шавконий айтади: «Абу Бакр Ҳаддоднинг «Мухтасар ал-Қудурий» китобига ёзган икки – катта ва кичик шарҳи бор» (Абдулҳай Лакнавий, 2005:166).

Абу Бакр Ҳаддод «ал-Жавҳарат ан-найийра» нинг муқаддимасида китоб «ас-Сирож ал-ваҳҳож»нинг мухтасари экани ҳақида сўз юритмаган. Муаллиф «ал-Жавҳара ан-найийра»нинг кўп ўринларида «ас-Сирож ал-ваҳҳож»дан иқтибослар келтирган.

«ал-Жавҳара ан-найийра» китоби 3 марта нашр этилган:

1. 800 саҳифадан иборат икки мужалладда – биринчиси 382, иккинчиси 420 саҳифадан иборат. Бу нашр Усмоний бомасида 1884 йилда Боби Али яқинида жойлашган «Маҳмудбек» матбаасида чоп этилган.

2. Бу нашр Майдонийнинг «ал-Лубоб фи шарҳ ал-китоб» асари билан биргаликда чоп этилган. Бу китоб ҳам икки мужалладдан иборат бўлиб, 1898 йилда Усмоний босмасида Истанбулдаги «Омира» матбаасида чоп этилган.

3. 1910 йилда Деҳли шаҳрида чоп этилган.

Алломанинг бошқа бир қанча машҳур асарлари бўлиб, улар борасида тадқиқотлар олиб борилмаган.

4. “ан-Нур ал-мустанир шарҳ ал-манзумат ан-насафийя фил-хилофиёт” (ал-Манзума фи-л-хилофиёт).

Китоб Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 1138 й.)нинг назмий «ал-Манзумат ан-насафийя» китобига ёзилган шарҳ ҳисобланади.

«ал-Манзума ан-Насафия» асари 2666 байтдан иборат бўлиб, «Кашф аз-зунун» китобида келишича, унинг шарҳи ушбу «ан-Нур ал-мустанир» китоби битта катта жилддан иборат (Муҳаммад ибн Саъд, 1868). Ушбу китобнинг қўлёзма нусхаси Тунисдаги Зайтуна жомесида 2443/601-рақам остида сақланади (Оли байт муассасаси:1420:349).

5. Сирож аз-заллом ва бадр ат-тамом шарҳ ал-манзумат ал-ҳомилийя.

Бу асар фиқҳий китоб бўлиб, Имом Ҳаддоднинг устози аллома Сирож Абу Бакр ибн Али ибн Мусо Ҳомилий Ҳанафий Яманий (ваф. 769 ҳ.й.)нинг «ад-Дурр ал-муҳтадий ваз-зухр ал-муқтадий» номли назмий асарига ёзилган шарҳ ҳисобланади.

Ушбу «Сирожу-з-золам» асари 2 катта жилддан иборат экани «Кашфуз зунун» китобида айтиб ўтилган (Исмоил Поша Бағдодий,1868).

6. “Ар-Раҳиқ ал-махтум шарҳ манзумат қайд ал-авобид лима фиҳи мин таълиф аш-шаворид”. Бу асар фиқҳга оид бўлиб, Нажмиддин Насафий (ваф. 1138 й.) нинг назмий «Манзума қайд ал-авобид лима фиҳи мин таълиф аш-шаворид» асарига ёзилган шарҳдир. «Тож ат-тарожум» китобида келишича, китоб бир жилддан иборат (Муҳаммад Хайр Рамазон Юсуф, 1992:141). Бу китобнинг бир қанча нусхалари бўлиб, булар ҳақида «ал-Фиҳрис аш-шомил» китобида батафсил маълумот берилган (Оли байт муассасаси, 1420:295). «Манзумати қайди-л-авобид» назмининг «Дор ал-кутуб ал-мисрия»да 822-рақам остида сақланаётган нусхаси мавжуд (Оли байт муассасаси, 1420:211).

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, олим Абу Бакр Ҳаддод XIV асрнинг нафақат

Яман диёридаги, балки бутун ислом оламидаги кўзга кўринган фақиҳларидан бири бўлган. У кишининг таржимаи ҳолини ўрганиш учун кўплаб тадқиқотчилар изланишлар олиб боришган. Унинг ёзган асарлари то ҳозирги кунимизга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Фақиҳнинг нафақат фиққга, балки тафсирга оид ҳам ёзган асарлари мавжуд. Ҳозирги кунга қадар фиқҳ фани мўътабар манбалари ва фатво китобларида у кишининг асарларидан иқтибослар кўплаб келтирилади.

Имом Абу Бакр Ҳаддод Забидий умрини илм, унга амал қилиш, Аллоҳ таолога тоат-ибодат билан қурбат ҳосил қилиш йўлида ўтказдилар. У зот ҳусни хулқ соҳиби эди. Вафотидан олдин кўзлари ожиз бўлиб қолди. Сўнг олим 1422 йил жумодул уло ойининг олтинчи куни шанба кечасида оламдан ўтди. Вафот этган пайтида у зотнинг ёши 80 да эди. У зот Забид шаҳридаги «Қартаб эшиги» қабристонига дафн этилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулқодир ибн Муҳамма Қураший. (1992). ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафия. – Ҳалаб : Исо Боби Ҳалабий нашриёти.
2. Абу Бакр ибн Али Ҳаддод. ас-Сирож ал-ваҳҳож ал-муваззиҳ ли кулли толиб муҳтож / Қўлёзма.
3. Аллома Аҳмад ибн Аҳмад ибн Абдуллатиф Шаржий Забидий. (1986). Табақот ал-хавос. – Яман : Дору-л-ямания.
4. Аҳмад ибн Аҳмад ибн Абдуллатиф Шаржий Забидий. (1986). Табақот ал-хавос аҳл ас-сидқ вал-ихлас. – Яман : Дору-л-ямания.
5. Бурҳониддин ал-Марғиноний. (1990). Ҳидоя. Ж. 3-4. – Байрут : Дорул кутубил илмия.
6. Замадий Абдуллоҳ ибн Али ибн Нуъмон. (1993). ал-Ақиқ ал-ямоний фи вафоёт ва ҳаводис ал-михлаф ас-Сулаймоний. – Байрут : Дору содир.
7. Исмоил Поша ал-Бағдодий. (1951). Ҳадият ал-орифин ли-асмаил муаллифин ва осор ал-мусаннифин. Ж. 1. – Истанбул : Маориф вакиллиги.
8. Исмоли Пош Бағдодий. (2005). Ҳадият ал-орифин асмо ал-муаллифин ва осор ал-мусаннифин. Ж. 2. – Истанбул : Маориф вакиллиги.
9. Комилов М. (2006). Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг ривожи ва фақиҳ Алоуддин Самарқандий. –Тошкент : Истиқлол.
10. Қосим ибн Қутлубуғо. (1992). Тож ат-тарожум. – Дамашқ : Дор ал-қалам.
11. Лакнавий Муҳаммад Абдулҳай ал-Ҳиндий. (1906). ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожум ал-ҳанафийя. – Қоҳира : Дору-с-салом.
12. Лакнавий Муҳаммад Абдулҳай ал-Ҳиндий. (1998). ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожум ал-ҳанафия. – Байрут : Дор ал-кутуб ал-исламия.
13. Муваффиқуддин Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ибн Абу Бакр Хазражий Забидий Яманий. (2000). Тироз аълом аз-заман фи табақот аъён ал-яман. –Яман : Дору-л-ямания.
14. Муваффиқуддин Али ибн Ҳасан Хазражий Забидий. (1911). ал-Уқуду-л-луълуия фи тарихи-д-давлати-р-расулия. –Қоҳира : Ҳилол-нашр.
15. Муваффиқуддин Али ибн Ҳасан Хазражий Забидий. (1942). ал-Уқуд ал-луълуия фи тарих ад-давлат ар-расулия. – Қоҳира : Дору-л-ҳилол.
16. Мўминов А. (1999). Мовароуннаҳр мусулмонлари: ҳанафийлар. –Тошкент : Шарқшунослик. – № 9.
17. Мустафо ибн Абдуллоҳ Жалабий Ҳожи Халифа. (1912). Кашф аз-зунун ан асом ал-кутуб вал-фунун. – Истанбул : Маориф вакиллиги.
18. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. (2005). ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожум ал-ҳанафийя. – Байрут : Дор ал-маърифа.
19. Муҳаммад ибн Али Шавконий. (2005). ал-Бадр ат-толи би маҳосини ман баъд ал-қарн ас-сабиъ. Ж. 1. – Байрут : Дор ал-маърифа.
20. Муҳаммад ибн Саъд. (1968). ат-Табақот ал-кубро. – Байрут : Дору содир.
21. Оли байт муассасаси. (1999). ал-Фиҳрис аш-шомил лит-турос ал-арабийй ал-исломий ал-махтут (Фиқҳ ва усул ал-фиқҳ). – Омман : Дору-л-маърифа.
22. Саидов А.Ҳ. (1997). Бурҳониддин Марғиноний – буюк ҳуқуқшунос. – Тошкент : Мир экономики и права.
23. Тақийюддин ибн Абдулқодир Тамимий Ғаззий. (1995). ат-Табақот ас-санийя фи тарожум ал-ҳанафийя. – Риёз : Дорур рифоий.
24. Тошкулов. Ж., Юсупова Н., Бекмирзаев И., Сарсенбоев О., Масаидов С. (2014). Ислом ҳуқуқшунослиги / Ўқув қўлланма. – Тошкент : “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси.
25. Умар Ризо. (1999). Муъжам ал-муаллифин. Ж. 1. – Дамашқ : Дор ал-қалам.
26. Хайруддин Зириклий. (1948). ал-Аълом. Ж. 2. – Байрут : Дору-л-илм лил-малайин.
27. Хулосат ал-фатово. (1667). Ифтихоруддин Тоҳир ибн Абдуррашид ал-Бухорий. // Қўлёзма. Инв. Р: №140. – Туркия : Истанбул муфтийлиги кутубхонаси. Фиқҳ бўлими.
28. Юсупова Н., Жузжоний А. (2007). Бурҳониддин Марғиноний: ҳаёти ва илмий мероси. – Тошкент : Академия.

REFERENCES

1. Abdulqodir ibn Muhamma Qurashiy. (1992). al-Javohir al-muziyya fi tabaqot al-hanafiya. – Halab : Iso Bobi Halabiy nashriyoti.
2. Abu Bakr ibn Ali Haddod. as-Siroj al-vahhoj al-muvazzih li kulli tolib muhtoj / Qo‘lyozma.
3. Alloma Ahmad ibn Ahmad ibn Abdullatif Sharjiy Zabidiy. (1986). Tabaqot al-xavos. – Yaman : Doru-l-yamaniya.

4. Ahmad ibn Ahmad ibn Abdullatif Sharjiy Zabidiy. (1986). Tabaqot al-xavos ahl as-sidq val-ixlas. – Yaman : Doru-l-yamaniya.
5. Burhoniddin al-Marg‘inoniy. (1990). Hidoya. J. 3-4. – Bayrut : Dorul kutubil ilmiya.
6. Zamadiy Abdulloh ibn Ali ibn Nu’mon. (1993). al-Aqiq al-yamoniy fi vafoyot va havodis al-mixlaf as-Sulaymoniy. – Bayrut : Doru sodir.
7. Ismoil Posha al-Bag‘dodiy. (1951). Hadiyat al-orifin li-asmail muallifin va osor al-musannifin. J. 1. – Istanbul : Maorif vakilligi.
8. Ismoli Posh Bag‘dodiy. (2005). Hadiyat al-orifin asmo al-muallifin va osor al-musannifin. J. 2. – Istanbul : Maorif vakilligi.
9. Komilov M. (2006). Movarounnahrda fiqh ilmining rivoji va faqih Alouddin Samarqandiy. –Toshkent : Istiqlol.
10. Qosim ibn Qutlubug‘o. (1992). Toj at-tarojum. –Damashq : Dor al-qalam.
11. Laknaviy Muhammad Abdulhay al-Hindiy. (1906). al-Favoid al-bahiya fi tarojum al-hanafiyya. – Qohira : Doru-s-salom.
12. Laknaviy Muhammad Abdulhay al-Hindiy. (1998). al-Favoid al-bahiya fi tarojum al-hanafiya. – Bayrut : Dor al-kutub al-islamiya.
13. Muvaffiquddin Abul Hasan Ali ibn Hasan ibn Abu Bakr Xazrajiy Zabidiy Yamaniy. (2000). Tiroz a’lom az-zaman fi tabaqot a’yon al-yaman. –Yaman : Doru-l-yamaniya.
14. Muvaffiquddin Ali ibn Hasan Xazrajiy Zabidiy. (1911). al-Uqudu-l-lu’luiya fi tarixi-d-davlati-r-rasuliya. –Qohira : Hilol-nashr.
15. Muvaffiquddin Ali ibn Hasan Xazrajiy Zabidiy. (1942). al-Uqud al-lu’luiya fi tarix ad-davlat ar-rasuliya. – Qohira : Doru-l-hilol.
16. Mo‘minov A. (1999). Movarounnahr musulmonlari: hanafiylar. –Toshkent : Sharqshunoslik. – № 9.
17. Mustafo ibn Abdulloh Jalabiy Hoji Xalifa. (1912). Kashf az-zunun an asom al-kutub val-funun. – Istanbul : Maorif vakilligi.
18. Muhammad Abdulhay Laknaviy. (2005). al-Favoid al-bahiyya fi tarojum al-hanafiyya. – Bayrut : Dor al-ma’rifa.
19. 19. Muhammad ibn Ali Shavkoniy. (2005). al-Badr at-toli bi mahosini man ba’d al-qarn as-sabi’. J. 1. – Bayrut : Dor al-ma’rifa.
20. Muhammad ibn Sa’d. (1968). at-Tabaqot al-kubro. – Bayrut : Doru sodir.
21. Oli bayt muassasasi. (1999). al-Fihris ash-shomil lit-turos al-arabiyy al-islomiy al-maxtut (Fiqh va usul al-fiqh). – Omman : Doru-l-ma’rifa.
22. Saidov A.H. (1997). Burhoniddin Marg‘inoniy – buyuk huquqshunos. – Toshkent : Mir ekonomiki i prava.
23. Taqiyyuddin ibn Abdulqodir Tamimiy G‘azziy. (1995). at-Tabaqot as-saniyya fi tarojum al-hanafiyya. – Riyoz : Dorur rifoiy.
24. Toshkulov. J., Yusupova N., Bekmirzayev I., Sarsenboyev O., Masaidov S. (2014). Islom huquqshunosligi / O‘quv qo‘llanma. – Toshkent : “Toshkent islom universiteti” nashriyot matbaa birlashmasi.
25. Umar Rizo. (1999). Mu’jam al-muallifin. J. 1. – Damashq : Dor al-qalam.
26. Xayruddin Zirikliy. (1948). al-A’lom. J. 2. – Bayrut : Doru-l-ilm lil-malayin.
27. Xulosat al-fatovo. (1667). Iftixoruddin Tohir ibn Abdurrashid al-Buxoriy. // Qo‘lyozma. Inv. R: №140. – Turkiya : Istanbul muftiyligi kutubxonasi. Fiqh bo‘limi.
28. Yusupova N., Juzjoniy A. (2007). Burhoniddin Marg‘inoniy: Hayoti va ilmiy merosi. – Toshkent : Akademiya.